

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ
ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ИЛФОР
ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Бўтабоев Асилбек Алишержон ўғли

ИИВ Академияси 3-босқич 303-гурух курсанти

Исмоилов Мусажон Абдумухторжон ўғли

ИИВ Академияси 3-босқич 303-гурух курсанти

Бугунги кунда Яқин Шарқ мамлакатлари ёки қўшни Афғонистон мамлакатларида содир бўлаётган қонли урушлар, қирғинбаротларни кўриб хулоса чиқарган ҳолда яшашимиз, мана шу буюк заминимизни ҳар қандай ташқи кучлардан асрashга доимо тайёр туришимиз, тинч осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиб яшашимиз лозимлигини кўрсатиб турибди. Фуқароларимизни, айниқса ёшлар ва вояга етмаганларни турли ёд ғоялар, тубан “Оммавий маданият хуружлари”дан асрash, айниқса уларнинг энг хавфлиси бўлган диний экстремистик ғоялардан асрash ўта муҳим долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ушбу ўринда ҳалқаро террорчиликка урушнинг алоҳида тури деб қараган АҚШ олимлари фикрига қўшилмаймиз. Чунки, биринчидан, ҳалқаро террорчилик давлат томонидан эмас, муайян шахслар, жиноий уюшма томонидан содир этилади. Уруш эса бир давлатнинг бошқа давлатга нисбатан хуружидан иборат. Ҳалқаро майдонда уруш ҳолатида бўлган ҳар қандай давлат ёки минтақада амал қилиниши шарт бўлган уруш удумлари, қоидаларига риоя этиш талаб қилинади.

Терроризмга барҳам бериш ва унга қарши курашда БМТ антитеррор стратегияси аҳамияти

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафеълигида глобал миқёсда терроризмга қарши курашишда давлатлар муҳим ўринга эга. Ўз навбатида, БМТ хавфсизлик, тараққиёт ва ҳалқаро ҳамкорликни таъминлашнинг турли жабҳаларида тўпланган тажрибаси ҳамда ўз ваколатлари асосида терроризмга қарши курашнинг деярли барча йўналишларида ҳисса қўшиб келмоқда. Терроризм трансмиллий ҳодиса эканлиги сабабли, унга қарши курашни назарда тутувчи зарур глобал дастурий чоралар БМТнинг кенг қамровли ва кўп томонлама механизмлари орқали самарали тарзда амалга оширилиши мумкин.

Бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг терроризмга қарши курашни тартибга солувчи универсал шартномаси, шунингдек, ҳалқаро миқёсда “терроризм” атамасини изоҳловчи ягона таърифи мавжуд эмас. Шундай бўлсада, БМТга аъзо-давлатлар ҳалқаро терроризмга қарши кенг қамровли шартнома лойиҳаси устида иш олиб бормоқдалар, унда терроризмнинг универсал ҳалқаро

таърифи ниҳоят берилади.

Яна бир жиҳат, “Терроризмга қарши курашнинг универсал ҳуқуқий асослари” ибораси глобал миқёсда қабул қилинган ҳужжатлар ва қарорлар тўпламини англатадиган ҳамда халқаро терроризмнинг олдини олиш, унга қарши курашишда давлатлар қўллаши керак бўлган бир қатор ҳуқуқий қоидаларни ўз ичига олган кенг тушунча сифатида ишлатилади. Мана шундай ҳужжатлар сифатида БМТ доирасида ёки унинг ҳомийлигида қабул қилинган халқаро шартномалар:

- “Террористик портлашларга қарши кураш тўғрисида”ги конвенция (1998 йил);
- “Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида”ги конвенция (1999 йил);
- “Ядро терроризмiga қарши кураш тўғрисида”ги конвенция (2005 йил);
- “Терроризмга қарши курашда ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва экстрадиция тўғрисида”ги конвенция (2008 йил) ва бошқаларни келтириш мумкин.

Қабул қилинган ҳужжатлар терроризмнинг мураккаб ҳодиса эканлиги, унинг содир этилиши эса нафақат бир ҳудуд, балки қўплаб инсонларнинг, қолаверса, давлатларнинг манфаатларига путур етказишини англаш қийин эмас.

Терроризмнинг ўта хафвли қилмиш эканлигини “Терроризмга қарши кураш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни”да келтирилган таърифдан ҳам кўриш мумкин: “терроризм — сиёсий, диний, мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, молмулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қуролли можаролар чиқаришни кўзлаб иғвогарликлар қилишга, аҳолини қўрқитишга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга қаратилган, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жавобгарлик назарда тутилган зўрлик, зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар”.

Мазкур санаб ўтилган ҳолатларнинг яна бир мураккаб жиҳати шундаки, у билан боғлиқ мотивлар, молиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш механизмлари, ҳужум усуллари ва мақсадлари кўпинча ўзгариб туради. Бу эса унга қарши курашда самарали стратегияни таъминлаш муаммоларини янада қийинлаштиради. Шу маънода юзага келаётган таҳдидлар ҳам ўзаро бир бирига боғлиқ бўлиб, бир давлат ҳудудида юзага келган хавф бошқа давлатлар ҳудудига ҳам ўз таъсири ўтказиши мумкин. Ҳеч бир давлат, қанчалик кучли бўлмасин, фақат ўзининг саъй-ҳаракатлари билан замонавий хавфлардан ўзини

ҳимоя қила олиши мураккаб.

Терроризм бугунги кунда тинчликни таъминлашга қаратилган глобал даражада чораларни қўришни талаб этувчи хавфга айланиб улгурди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаолиятида, хусусан, Хавфсизлик Кенгашининг резолюцияларида давлатларнинг терроризмга қарши кураш борасидаги ҳамкорлигини барча даражада, жумладан, икки томонлама, миңтақавий ва универсал даражада мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилган. Барча даражадаги мавжуд ҳамкорликнинг доимий мустаҳкамланиши халқаро аксилтеррор саъй-ҳаракатларда марказий ўринга эга, ўз навбатида, улар БМТ антитеррор стратегиясининг мақсадлари сифатида киритилган.

БМТнинг глобал аксилтеррор стратегияси тўртта йўналишда амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаган:

I) терроризмнинг тарқалишига имкон берувчи шароитларни бартараф этиш;

II) терроризмнинг олдини олиш бўйича ва унга қарши кураш бўйича чоралар;

III) терроризмнинг олдини олиш бўйича давлатлар салоҳиятини ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мазкур соҳадаги ролини мустаҳкамлашга қаратилган чоралар;

IV) терроризмга қарши курашнинг фундаментал асослари сифатида ҳуқуқ устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини универсал даражада хурмат қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар.

Ҳар бир йўналиш БМТга аъзо-давлатлардан алоҳида масъулият билан ҳамкорликни кучайтириш, терроризмга қарши курашда саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни талаб этади. Стратегия давлатларнинг терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича индивидуал ва биргалиқдаги амалий қадамларини ташлаш бўйича иродасини намоён этади. Мазкур амалий қадамлар кенг чораларни амалга оширишни назарда тутиб, булар давлатларнинг терроризм хавфига қарши туриш бўйича салоҳиятини мустаҳкамлашдан бошлаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аксилтеррор фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича самарадорлигини оширишга бўлган масалаларни ўз ичига қамраб олади. Стратегияни амалга оширишда асосий масъул БМТга аъзо-давлатлар бўлса-да, ташкилотнинг тегишли органларини мазкур йўналишдаги ишларда қўллаб-қувватлашга чақириқларни кўриш мумкин. Стратегияда бир қатор ташабbusлар илгари сурилган бўлиб, қуйидагиларни алоҳида қайд этиш лозим:

- давлатлар томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бериши учун терроризмга қарши кураш борасида техник ёрдамни кўрсатиш самарадорлигини ошириш;

- терроризм қурбони бўлганлар ва уларнинг оила аъзолари эҳтиёжларидан келиб чиқиб кўмак бериш тизимини яратиш;

- терроризмга қарши курашда фуқаролик жамияти, минтақавий тузилмаларни жалб этиш ҳамда алоҳида ҳимоя остидаги объектларга террорчилар ҳужумининг олдини олиш мақсадида хусусий сектор билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш;
- террорчилар томонидан Интернетдан ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга қарши инновацион усулларни ишлаб чиқиш;
- чегара ва божхона назорати тизимини такомиллаштириш ҳамда террорчиларнинг ҳаракатланиши ва ноқонуний ашёларнинг олиб ўтилишини бартараф этиш мақсадида йўл ҳужжатларининг ҳимоя даражасини кучайтириш;
- ноқонуний топилган пул воситаларини легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан курашда ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашда Марказий Осиё давлатлари бошқа минтақаларга намуна бўлаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Жумладан, 2011 йил 30 ноябрда Марказий Осиё давлатлари: Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон вакиллари томонидан БМТнинг Глобал антитеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Минтақавий қўшма режаси қабул қилинган бўлиб, бу ҳолат Марказий Осиёни БМТ Глобал антитеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича минтақавий қўшма режани ишлаб чиққан илк ҳудудга айлантирган эди.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ аъзоси сифатида унинг терроризмга қарши куаш борасидаги глобал фаолиятидаги иштирокини алоҳида қайд этиш жоиз. Ўзбекистон бугунга қадар терроризм ва диний экстремизмга қарши куаш бўйича 10 дан ортиқ халқаро конвенция ва протоколни ратификация қилган. Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш соҳасида самарали ҳамкорлик олиб борилаётганлиги ҳамда БМТнинг Глобал антитеррор стратегияси муваффақиятли амалга оширилаётганлиги алоҳида қайд этган эди. БМТ Бош котиби А.Гуттерриш эришилган ютуқларни эътироф этган ҳолда: “Марказий Осиё мамлакатлари ушбу БМТ стратегиясини биргалиқда амалга оширишда намуна бўлмоқда”, деб таъкидлаганлиги бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан илгари сурилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Глобал антитеррор стратегияси доирасидаги Минтақавий қўшма режанинг натижалари ва келгуси истиқболларига бағишлиланган халқаро конференциянинг ўтказилиши мазкур йўналишда эришилган натижаларни таҳлил қилиш, фойдаланилмай қолган ресурсларни аниқлаш ҳамда келгусида амалга ошириладиган режаларни келишиб олиш глобал муаммо бўлган терроризмга қарши куаш самарадорлигини янада оширишга имкон бериши шубҳасиз.

Терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ташкил этиш соҳасида Россия Федерацияси давлат органларининг ваколатлари:

- Терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш соҳасида қонуний жараённи амалга оширади;
- Россия Федерацияси субъектлари фаолияти соҳасида терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасини ташкил этиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- Фуқароларни терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олишда ҳамда Россия Федерациясининг терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни бартараф қилишга жалб қилинган шахслар билан ўзаро муносабатларда ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;
- Терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида мувофиқлаштирувчи органлар тузади;
- Терроризм ва диний экстремизм жиноятларини тасдиқлаш ва олдини олиш ҳаражатлари, қисман Россия Федерациясининг бюджетидан бажарилишини назорат қилиш;
- Терроризм ва диний экстремизм жиноятларни профилактика қилиш ва олдини олиш;

Россия Федерациясининг “Террористик жиноятларга қарши кураш тўғрисида”ги конунининг 15-моддасига асосан жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Полициянинг ваколатлари берилган:

- Терроризм ва диний экстремизм жиноятининг олдини олиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- Терроризм ва диний экстремизм жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги норматив хукукий хужжатларни тартибга солади;
- Органлар ва ташкилотлардаги терроризм ва диний экстремизм жиноятининг олдини олиш бўйича чора тадбирларни мувофиқлаштиради, ушбу жиноятнинг олдини олишда идоравий мувофиқлаштириш органлари фаолиятини ташкил этади;
- Терроризм ва диний экстремизм жиноятларнинг олдини олиш субъектлари ва жиноятларнинг олдини олиш билан шуғулланадиган шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни таъминлаш;
- Россия Федерацииси томонидан тасдикланган федерал ижроия органини ташкил этади ва терроризм ва диний экстремизм жиноятларнинг олдини олиш бўйича расмий статистик майдумотларни тақдим этади;
- Терроризм ва диний экстремизм жиноятларнинг олдини олишда Россия Федерациисидаги назарда тутилган бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

Қозогистон Республикаси Полициясининг ваколатлари:

- Фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда иштирок этади, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари

фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича жамоатчилик фикрини ўрганади;

- Терроризм ва диний экстремизмжиноятларини олдини олиш бўйича чоралар кўради, профилактика ёзувларини олиб боради ва профилактик назоратни амалга оширади;

- Жамоат тартиби ҳамда терроризм ва диний экстремизмжиноятларнинг олдини олишда иштирок этадиган давлат органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласи, хавфсизлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширади;

- ушбу органларга ўзларига маълум бўлган ёки бошқа ваколатли ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан аниқлангантерроризм ва диний экстремизм билан боғлиқҳукуқбузарлик фактлари тўғрисида хабар бериш;

- Ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун терроризм ва диний экстремизмжиноятларнинг олдини олиш бўйича маҳсус ўқув курсларини ташкил этишни таъминлайди.

Евropa мамлакатлари орасида маъмурий ҳудудларда терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар соҳасида яна бир ўзига хос тизим Германияда қарор топган. Германия давлат бошқаруви тизимида полиция асосий ўринлардан бирини эгаллаб, ўз ичига Федерал Полиция ва Ўлкалар Полицияларини қамраб олади. Ўлкалар Полициялари Федерал Полициянинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаради, Ўлкалар Полициялари эса терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар соҳасига кирадиган вазифаларга аралаша олмайди. Мамлакатда терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ ҳукуқбузарликлар фаолиятини асосан Федерал Полициялари амалга оширади. Мамлакатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизими марказлашмаган бўлиб, Ўлкалар ҳукуқ-тартибот хизматлари маҳсус тартиб бўйича давлат органларидан фарқланади. Германияда маҳаллий ҳокимият органига раҳбарлик қилувчи шахс ҳудуддаги полиция ташкилотининг ҳам биринчи амалдори ҳисобланади. Бинобарин, айrim Ўлкалар Полициялари бутунлай ёки қисман давлатга қараса, баъзилари коммунал муассасалар ҳисобланади.

Ҳозирги кунда бир қатор ҳукуматларо ташкилотлар терроризмга қарши курашиш борасида тегишли мажбуриятлар олишган. Хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) 1975 йилда хавфсизликни таъминлаш масаласига комплекс ёндашиш зарурлиги приципи асосида ташкил этилган. Бизнинг терроризмнинг олдини олиш ва бартараф этиш борасидаги қарши ҳаракатларимиз, террорчилар йўқотишга уринаётган инсон ҳукуларини қўриқлашга қаратилиши лозим. Инсон ҳукуқлари, эркинликлари ва қонун устуворлиги ҳурмат қилиш – бу нотинчлик шароитида қурбон қилиниши керак бўлган алоҳида зарурият эмас, балки терроризмга қарши курашнинг муҳим воситасидир.

Буюк Британия эксперларининг хulosасига кўра, террорчилик хавфи энг кучли бўлган давлатлар Сомали, Покистон, Ироқ ва Афғонистон ҳисобланади. 2011 йили террорчилик хатти-ҳаракатлари олдинги йилдан 15 фоизга ошиб, 10,3 мингтадан 11,9 мингтага етган. Афғонистонда:

- ❑ террорчилик хатти-ҳаракатлари 50 фоизга ошган;
- ❑ 3.021 та одам халок бўлган;
- ❑ 185 минг киши уй-жойи бузилиб, бошпанасиз қолган.

Диний-экстремистик гурухларнинг бош мақсади - «халифалик» ёки «ислом амирлиги» давлати тузиш шиори остида сиёсий ҳокимиятни эгаллашdir. Ушбу мақсадга етиш йўлида ахолига ҳанафийлик мазхабига зид мутаассиб ғояларни сингдириш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, ҳукуматга тайзиқ ўтказиш, аҳоли ичидаги қўрқув, парокандалик ҳамда давлатга нисбатан ишончсизлик уйғотиш ҳамда республика раҳбарияти томонидан диний соҳада олиб борилаётган сиёсатни обрўсизлантириш каби оралиқ мақсадларга бўйсиндирилган фаолият олиб борилади.

Диний экстремистик ташкилотларнинг асосий фаолият услублари:

- ❑ экстремистик руҳдаги адабиёт, видео- ва аудио тасмалар, электрон диск ва мобил телефон хотира карталарини тарқатиш
 - ❑ хуфия гурӯҳ (жамоат, халқа)лар тузиш
 - ❑ яширин диний «хужралар»нинг фаолиятини йўлга қўйиш
 - ❑ республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни кескин қоралаш, давлат ва диний идора вакилларини обрўсизлантиришга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш террорчилик ҳаракатлари ўтказиш

Диний-экстремистик гурухларнинг бош мақсади - «халифалик» ёки «ислом амирлиги» давлати тузиш шиори остида сиёсий ҳокимиятни эгаллашdir. Ушбу мақсадга етиш йўлида ахолига ҳанафийлик мазхабига зид мутаассиб ғояларни сингдириш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, ҳукуматга тайзиқ ўтказиш, аҳоли ичидаги қўрқув, парокандалик ҳамда давлатга нисбатан ишончсизлик уйғотиш ҳамда республика раҳбарияти томонидан диний соҳада олиб борилаётган сиёсатни обрўсизлантириш каби оралиқ мақсадларга бўйсиндирилган фаолият олиб борилади.

Диний экстремистик ташкилотларнинг асосий фаолият услублари:

- ❑ экстремистик руҳдаги адабиёт, видео- ва аудио тасмалар, электрон диск ва мобил телефон хотира карталарини тарқатиш
 - ❑ хуфия гурӯҳ (жамоат, халқа)лар тузиш
 - ❑ яширин диний «хужралар»нинг фаолиятини йўлга қўйиш
 - ❑ республикадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни кескин қоралаш, давлат ва диний идора вакилларини обрўсизлантиришга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш

террорчилик ҳаракатлари ўтказиш

Экстремизм ва терроризмга қарши курашда Ўзбекистон тажрибаси

Экстремизм ва терроризм инсоният билан бирга XXI асрга кириб келган энг хавфли ижтимоий иллатлардан бирига айланди. Экстремизм бағрикенглик, ранг-баранглик ва ҳамфикрлиликни рад этиши билан мамлакат тараққиёти ва фуқаролараро ҳамжиҳатликка рахна солади.

Ақидапарастлар нафақат ижтимоий ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий ёки маданий соҳалариға заарар етказадилар, балки жамиятга оммавий тарзда психологияк босим ўтказиб, энг мудҳиш шакллардаги зўравонлик ва агрессивлик мағкурасини ёядилар. Шу нуқтаи-назардан, жамиятда диний асосда низолар чиқишига йўл қўймаслик, динни сиёсийлаштириш ва сохталаштириш орқали мамлакатдаги ижтимоий барқарорликни издан чиқаришга қаратилган ҳар қандай ҳаракатнинг олдини олиш давлат ва жамиятнинг олдида турган ҳаётий муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда экстремизм ва терроризм алоҳида мамлакатларнинг миллий хавфсизлиги ва умуман жаҳон ҳамжамиятига жиддий таҳдид уйғотаётган омилга айланди. Умумбашарий муаммога айланган экстремизм ва терроризмни жаҳон ҳамжамияти фақат биргалиқда, турли тор геосиёсий манбаатлардан воз кечган ҳолда ҳаракат қилибгина енга олиши мумкинлиги аксарият давлатлар томонидан тан олинган айни ҳақиқатdir.

Экстремизм ва терроризм иллатининг сўнгги пайтларда тобора кучайиб бораётгани мазкур муаммонинг нақадар долзарб эканини кўрсатади. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳам бу масала юзасидан: “Айни вақтда дунёнинг баъзи минтақаларида юзага келган нотинч вазият аҳоли миграцияси кучайишига, бу эса, ўз навбатида, терроризм ва экстремизмнинг тарқалишига ҳамда уларнинг глобал муаммолардан бирига айланишига олиб келмоқда. Бундай вазиятда миллий давлатчилигимиз, мустақиллигимиз, аҳолимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ва хавфсизлигимизни сақлаш биз учун энг устувор вазифага айланиб бормоқда” деб сўзлаганлар.

Таъкидлаш жоизки, турли экстремистик ва террористик ташкилотлар Марказий Осиё давлатларидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқаришга қаратилган фаолиятини давом эттироқда. Шу нуқтаи-назардан, муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев жаҳон ҳамжамияти эътиборини Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш мақсадида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, терроризм ва экстремизм, трансмиллий жиноятчилик ва наркотрафик таҳдидларига қарши самарали курашишни БМТ превентив дипломатия усулларидан фойдаланган ҳолда, шунингдек, МДҲ, ШҲТ, ЕХХТ ва бошқа нуфузли халқаро ҳамда минтақавий тузилмалар механизмлари доирасида таъминлаш мумкин эканига, хавфсизликка таҳдидларни “ўзиники ва ўзгаларники” деб ажратишдан воз кечиш, “яхлит хавфсизлик” тамойилига амалда риоя қилиш зарурлигига қаратмоқда.

Ўзбекистон экстремизм ва терроризм таҳдидлари ва заарларини бошидан кечирган мамлакат ҳисобланади. Юртимизда ушбу иллатларга қарши курашиш,

унинг сабабларини олдини олиш бўйича жаҳон ҳамжамиятига намуна бўла оладиган даражада ўзига хос тажриба шаклланган.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқида халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва муросасизлик ташкил этиши, шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа эканига эътибор қаратилди.

“Экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган, тўғри йўлдан адашган фуқаролар ижтимоий реабилитация қилинмоқда, уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Дунёда терроризм таҳдидлари, айниқса, сўнгги йилларда кучайиб бораётгани уларга қарши, асосан, куч ишлатиш йўли билан курашиш усули ўзини оқламаётганидан далолат беради.

Бу борада кўп ҳолларда таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинмоқда. Шу муносабат билан одамлар, биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифадир.

Шу нуқтаи-назардан, Президентимизнинг икки глобал аҳамиятга эга, яъни ёшларга оид сиёsatни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро хуқуқий хужжат — БМТнинг “Ёшлар хуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенция”сини ишлаб чиқиш ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган маҳсус резолюциясини қабул қилиш ҳақидаги таклифлари барча мамлакатлар томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди ва қўллаб-қувватланди.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, минтақа ва умуман дунёдаги вазиятнинг мураккаблигига қарамай, мамлакатимизнинг янги ислоҳотлар ва ривожланиш даврида Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга ошириб келинаётган оқилона ички ва ташқи сиёsat ҳамда халқимизнинг кучли иродаси, меҳнатсеварлиги, бағрикенглиги ва маърифатпарварлиги тифайли мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлик таъминланиб келинмоқда.

Шундай экан, юртимизда ҳукм суроётган тинч ва осуда ҳаётни асраш, унинг мустақиллиги ва барқарорлигига муносиб ҳиссамизни қўшиш – ҳар биримизнинг, шу азиз Ватанда яшаётган турли миллат ва дин вакилларининг энг асосий вазифаларидан бўлмоғи лозим.